Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 20 сентябрь, № 186 (5606) Пайшанба

ПРЕЗИДЕНТ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан, 2012 йил 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ. 19 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан, 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.

Ўзбекистон раҳбари шарафига икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган ва фахрий қоровул саф тортган Корея Республикаси пойтахти аэропортида бўлиб ўтган расмий кутиб олиш маросимидан кейин мамлакатимиз делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Мунтазамлик касб этган ушбу ташриф олий даражадаги Ўзбекистон — Жанубий Корея мулоқоти доирасида бўлиб ўтмоқда. Бундай учрашувлар чоғида томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларига доир кўплаб масалаларни муҳокама қилиб, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг кўламли долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тадбирлари, хусусан, Корея Республикаси Президенти ва ушбу мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар 20-21 сентябрь кунларига мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, учрашувлар якунида Қўшма баёнот, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинади.

Корея матбуотида Ўзбекистон мавзуси

Яқинда Корея Республикасида чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — "The Korea Times" газетаси ҳамда "The Korea Post" журнали саҳифаларида Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятлари ва икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги мавзуига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди. Ранг-баранг суратлар билан чоп этилган мазкур мақолаларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳамда ўзбек халқининг маънавий-маданий меросига оид батафсил маълумотлар ўз аксини топган.

Биз ва жаҳон

Хусусан, иқтисодий жабҳадаги ютуқларимиз эътирофига бағишланган материалда Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри йўлини танлагани боис тарихан қисқа даврда макроиқтисодий барқарорликка, миллий иқтисодиётнинг ички ва ташқи қирраларида мувозанатга, изчил ўсишга эришиши баробарида, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича стратегик режаларни амалга оширгани, ғалла ва энергетика мустақиллигини қўлга киритгани қайд этилади.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро саноат форуми

ишлаб чиқариш корхоналаримизнинг салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида саноат тармоқлари жадал ривожланмоқда. Бунда кўплаб янги корхоналар фойдаланишга топширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўргазма

Қувонарлиси, бугунги кунда жаҳон тажрибасида ривожланишнинг "ўзбек модели" сифатида тан олинган ва мутахассислар томонидан чуқур ўрганилаётган ислоҳотлар самарасини ҳар бир жабҳада кўришимиз мумкин. Бундай ижобий ўзгаришлар эса, ўз навбатида, юртимизга хорижий давлатлар сармоядорларининг қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда. Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида иш бошлаган "Uzbekistan Industrial Forum — 2012" тўртинчи халқаро саноат форуми маҳаллий ва чет эллик ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигини янги босқичга кўтарувчи муҳим тадбирлардан биридир.

Мазкур иқтисодий анжуман Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзавтойўл", "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат", "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниялари ҳамда "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2012 йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббусига биноан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотига бағишланган парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Тадбирда Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва муассасаларнинг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини ва турмушимизнинг барча соҳаларини янада изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асослар яратилгани таъкидланди. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг «ўзбек модели» жаҳон молиявий инқирозининг хавф-хатарлари ва таҳдидларига самарали қарши туришнинг аниқ мисоллари ва натижаларини намоён қилганлиги учун жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ўзига тортди. Мўлжалланган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишга нисбатан комплекс ёндашув жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий ва иқтисодий инқироз ҳали ҳам давом этаётган ва бунинг оқибатида иш ўринлари қисқартирилаётган, корхоналар ёпилаётган бир пайтда фуқароларимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ҳимояланганлигига эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида мустаҳкам ижтимоий кафолатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги давлатимиз раҳбарининг маърузасида ижтимоий устуворликларга катта эътибор қаратилган. Парламент эшитувида таъкидлаб ўтилганидек, Инқирозга қарши чоралар дастури ва «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ҳам бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг рўёбга чиқарилиши давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Дастурни рўёбга чиқариш жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилидир.

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

Тошкентда "Давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирокининг самарали механизмлари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция

Форумни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқаро экспертлар ҳамжамиятини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистоннинг стратегияси ҳамда сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси билан таништириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг амалий иштирокини кўриб чиқиш, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришни муҳокама этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Халқаро илмий-амалий конференцияда 2010 йил ноябрда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосий қоидаларининг амалга оширилишини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш маркази (Тошкент) томонидан Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази (АҚШ), Ф. Эберт номидаги жамғарма (Германия) ва БМТ Тараққиёт дастури кўмагида ташкил этилди.

Конференцияда АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Япония, Исроилдан хорижлик экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, республика ҳамда ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари, мамлакатимизнинг қатор илмий тадқиқот, таълим муассасалари мутахассислари ҳамда етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамияти институтлари, яъни фуқаролик жамияти асосини ташкил этадиган ва унинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва оммавий ахборот воситаларини ташкил қилиш, ривожлантириш, уларнинг роли ҳамда аҳамиятини ҳар томонлама ошириш мамлакатимизни демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишга доир олдимизга қўйилган мақсадга эришишда муҳим вазифа ҳисобланиши таъкидланди. Бугун улар демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда.

Ривожланган фуқаролик жамияти тузилмаси мамлакатимизда миллатлараро, динлараро тотувлик, барқарорликни таъминлаш, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлаш, давлат ва бошқарув тузилмалари фаолияти устидан жамоат назорати тизимининг самарали ишлашини қўллаб-қувватлашга ёрдам бериши лозим. Фуқаролик жамияти институтлари мустақил оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда нафақат жамоатчилик фикрини ифода этиши, балки шакллантириши керак.

(Давоми 3-бетда).

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

Тошкентда 12 — 14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Қуйида халқаро анжуманнинг хорижий иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар билан танишасиз.

Эътироф

Чонг Янг ЛИ,
Питтсбург университети профессори, Ишбилармонлик тадқиқотлари маркази директори (АҚШ):

— Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, жумладан, ташқи савдони янада эркинлаштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Экспортчи корхоналарга берилаётган имтиёз ва преференциялар келажакда кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Пак Му ЖОНГ,
«Korea Times» газетаси президенти ва ношири (Жанубий Корея):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжуман, конференциянинг барча иштирокчилари фикрича, ўз вақтида ташкил этилди. Негаки, ҳозир жаҳон иқтисодиёти ривожида муҳокама қилиниши зарур муаммолар йўқ эмас.

Бундай шароитда кичик бизнес иқтисодиётда, айниқса, муҳим ўрин тутади. Кичик бизнеснинг ривожи жаҳон иқтисодий инқирози билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ўрта синфга кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ёрдам бериш энг тўғри йўлдир.

Президент Ислом Каримовнинг оқилона раҳбарлигида ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ва танлаган йўли жаҳон иқтисодиётидаги инқироздан азият чекаётган кўплаб мамлакатлар учун яхши намуна бўлиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла – оилавий бизнес маркази

Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб тизими бўлган маҳалланинг кундалик ҳаётимиздаги ўрни мустаҳкамланиб, таъсири йилдан-йилга тоборо ортиб бормоқда. Президентимиз таърифи билан айтганда, маҳалла таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси, айни вақтда халқ виждонига айланди. Буни юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифалар муваффақиятли бажариб келинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, ушбу тизим зиммасидаги вазифалар кўлами янада кенгайтирилди. Эндиликда маҳалла хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ҳам изчил фаолият юритмоқда.

Маълумки, оилавий тадбиркорлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз бирор бир ҳунарни пухта эгаллаб, шунинг орқасидан рўзғор тебратганига гувоҳ бўламиз. Муҳими, ана шу восита ўлароқ, кулоллик, темирчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик каби азалий ҳунармандчилик турлари ҳамда чорвачилик ва деҳқончилик тадрижий ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бугунги кунга келиб эса нафақат ҳунарманд, балки оилавий бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши эса бу борадаги ишларни яна бир босқичга кўтарди.

Ушбу Қонун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида янги саҳифа очди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Унда оилавий тадбиркорлик, оилавий корхона, унинг иштирокчилари, рахбари каби тушунчалар аниқ ифодалаб берилган. Оилавий корхона тузиш тартиби, таъсис шартномаси, давлат рўйхатидан ўтиш, низом жамғармаси талаблари, корхона ва унинг иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, ушбу Қонунда оилавий тадбиркорликнинг мулкий асослари, жойи, оилавий корхона фаолиятини амалга ошириш шароитлари, маҳсулотларни реализация қилиш, ҳисоб ва ҳисоботи, шунингдек, меҳнат муносабатлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, корхона иштирокчилари ва ёлланма ишчилари ижтимоий ҳимояси кафолатининг ҳуқуқий асослари ҳам аниқ баён этилган. Айни чоғда оилавий корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни давлат мулкига айлантирмаслик, уни мусодара қилмаслик ҳамда мажбурий равишда давлат ихтиёрига олмаслик бўйича меъёрлар ҳам мустаҳкамланган.

— Бугун маҳалла оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ўзини тобора кўпроқ намоён этмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Бу борада фуқаролар йиғинлари қошида тузилган Хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик, шахсий томорқа хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар муҳим роль ўйнамоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, мазкур комиссиялар бизнес билан шуғулланиш истагидаги оилалар мурожаатларини ўрганиб, таҳлил (мониторинг) қилиб, шу юзасидан йиғин кенгашига хулосалар бермоқда. Шунинг баробарида, улар ўз бизнесини йўлга қўяётган оилалар ва фуқароларга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Яъни бино ва жиҳозлар билан таъминлаш, коммунал хизмат ва банк кредитлари олиш масалаларида кўмаклашмоқда.

Шу ўринда фуқаролар йиғинларида оилавий корхона ташкил этиш истагидаги фуқаролар учун маслаҳат марказлари ташкил этилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Энди иш бошлаётган оилавий тадбиркорлар учун ушбу марказ фаолияти жуда қўл келаётир.

(Давоми 2-бетда).

Корея матбуотида Ўзбекистон мавзуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақолада мустақил тараққиёт йиллари мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробарга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳақиқий даромадлар 7, нафақаларнинг ўртача миқдори салкам 9, иш ҳақи эса 18 баробарга ошгани ҳолда, инсонларнинг умр кўриши ўртача 7 йилга узайгани ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган: "Ҳалиҳануз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, ривожланишнинг барқарор суръатлари сақланаётгани, кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг мустаҳкамлигидан далолат беради".

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида фикр юритилар экан, нашр мамлакатимиз ҳукуматининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш юзасидан кўраётган саъй-ҳаракатларига алоҳида урғу беради. Ўзбекистонда бу соҳани рағбатлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилганини алоҳида қайд этади. "Кўрилган чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ, ички бозорда истеъмол маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш ҳажми тобора кўпаймоқда, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошмоқда, иш ўринлари яратилмоқда", деб ёзади нашр.

"The Korea Post" журналида эълон қилинган яна бир мақола Ўзбекистоннинг таълим соҳасида қўлга киритган муваффақиятларига бағишланган. Ундан мамлакатимизнинг таълим ва ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш бўйича миллий модели ҳақидаги атрофлича маълумотлар жой олган. Мақолада мустақиллик йилларида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан Ўзбекистонда улкан ишлар амалга оширилгани таъкидланади.

Журнал Ўзбекистон таълим тизимига оид далиллар хусусида тўхталар экан, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали мутахассислар тайёрланиши жараёнлари билан ўз ўқувчиларини атрофлича таништиради.

"The Korea Times" газетаси саҳифасида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақола ҳам ўрин олган. Унда Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида сайёҳликнинг янги йўналишлари шаклланган, замонавий меҳмонхоналар бунёд этилиб, қадимий ёдгорлик ва зиёратгоҳлар таъмирлангани ҳамда ободонлаштирилгани, шунингдек, янги магистраллар қурилгани газетхонларга маълум қилинган.

"The Korea Times" газетхонларни Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси билан таништирар экан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари қадимий ва навқирон шаҳарларда 4000 дан зиёд ноёб тарихий ҳамда маданий ёдгорликлар мавжуд экани ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олганини алоҳида таъкидлайди. "Бу нодир мерос ҳар йили миллионлаб хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда", деб ёзади нашр.

"Неча-неча асрлар давомида Буюк Ипак йўли инсониятга ноёб моддий ва маънавий меросни қолдирган. Жаҳон сайёҳлик бозорида Ўзбекистон Ипак йўли чорраҳасидаги мамлакат ва бу йўлнинг маркази сифатида ўзини муносиб равишда намоён қилаётгани ҳолда, халқаро сайёҳлик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Иқтисодиётнинг мазкур соҳаси ривожига Марказий Осиёдаги йирик халқаро анжуман ҳисобланадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. У жаҳон сайёҳлик бозори мутахассисларининг конструктив мулоқотлари учун муҳим минбар вазифасини ўтаётир", дея таъкидлайди "The Korea Times".

Юқоридагилардан ташқари, "The Korea Post" журнали Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг икки томонлама муносабатларига оид маълумотларга ҳам мурожаат қилган. Ушбу нашрнинг раҳбари ва ношири Ли Кюнг Сик мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликка асосланган муносабатлар алоҳида ажралиб туриши ҳақидаги ўз фикрларини ўқувчилар билан ўртоқлашар экан, "Олий даражада ўн битта учрашув бўлиб ўтгани сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканидан далолат беришини" қайд этади.

Мақолада давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йили давомида икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий замини яратилгани ва улар мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишдаги ўзаро алоқаларни тартибга соладиган 200 дан зиёд ҳужжатдан иборат эканлиги ҳам қаламга олинган. Шунингдек, нашрда Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси барча муносабатларда синалган ва ишончли стратегик шериклик эканлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларда бир-бирларининг нуқтаи назарларини ўзаро қўллаб-қувватлашлари ҳам қайд этилади.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу дастурни ноёб деб аташ мумкин, зеро, мамлакат парламенти даражасида қабул қилинаётган бундай дастурлар жаҳоннинг ҳеч бир давлатида йўқ. Дастурни бажариш нафақат барқарор иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашади, балки фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини ҳам таъминлайди, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Умуман олганда, аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасининг ўсишига, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигининг ошишига ҳам кўмаклашади. Дастур мамлакатимиз минтақалари ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд салоҳиятдан меҳнат бозорида иш кучига бўлган эҳтиёжни кўпайтириш учун янада самарали фойдаланиш имконини беради. Унда аҳолини иш билан таъминлашнинг ташкилий масалаларини тартибга солиш, шунингдек, ушбу соҳага доир амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш тизими назарда тутилганки, бу ҳол, умуман, бизнинг демократик жамиятимиз янада ривожланишига кўмаклашади.

Тадбирда сўзга чиққан депутатларнинг фикрича, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ўтган давр ичида қандай бажарилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитиш долзарблигининг сабаби ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек, кейинги йилларда бундай дастурларни ишлаб чиқишнинг механизмлари ва услубларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, дастурнинг параметрлари ва талаблари бажарилиши самарадорлигини янада оширишдан иборатдир.

Таъкидландики, мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш механизми жорий этилганлиги ҳамда парламент томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинганлиги туфайли 2011 йилда 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Бу йил эса фақатгина январь — июнь ойлари ичида 510,5 мингта иш ўрни яратилди (ёки шу даврга мўлжалланган прогноз параметрлари 105,5 фоизга бажарилди).

Эшитув давомида инвестиция дастурига, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини маҳаллийлаштириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларига мувофиқ, янги корхоналарни ишга тушириш ва ишлаб турганларини кенгайтириш; кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; касаначиликни ривожлантириш, шу жумладан, корхоналар ва фуқаролар ўртасидаги кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича ривожлантириш, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш; чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштирилган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳамда уларни кенгайтириш; ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш; вақтинча ишламаётган корхоналарни, шу жумладан, тижорат банкларининг балансларига ўтказилган банкрот корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашга доир кенг ахборот тақдим этилди.

Бироқ дастур параметрларининг жойларда бажарилишини ўрганиш вақтида мамлакатимизнинг айрим минтақаларида ташаббускорлик йўқлигининг ҳамда янги корхоналарни ишга тушириш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳамда уларни кенгайтириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа шу кабилар ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш борасида қолоқлик мавжудлигининг айрим ҳоллари аниқланди. Буларнинг барчаси, депутатларнинг фикрига кўра, бундай аҳволга йўл қўймасликнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни батафсил муҳокама қилиш вақтида сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, янги иш ўринлари яратиш учун инфратузилма ташкил этиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг коммуникация тармоқларига уланиши масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши улкан ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги ҳақида гапириб, дастурнинг бажарилиши иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларида парламент ролини кучайтиришга реал боғлиқ эканлигини таъкидладилар. ХДП фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлашга доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарур. Фракция аъзолари кейинги йилларда ушбу дастурни янада такомиллаштириш лозимлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари бажарилишининг бориши устидан жамоат назоратини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини, ушбу жараёнга соҳадаги ижтимоий шериклиқни ривожлантириш мақсадида маҳаллий Кенгашлар депутатларини, иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллик органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг вакиллари коллежлар ва бошқа ўқув муассасалари битирувчиларни иш билан таъминлаш масалаларига кўпроқ эътибор қаратишни, турли йирик инвестиция лойиҳаларини фаолроқ жорий этишни таклиф қилдилар. «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси саноати асосий йўналишларини ривожлантиришнинг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган дастурини рўёбга чиқариш ва бошқа дастурларни ижро этиш учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Фракция аъзолари таъкидладиларки, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Ўзавтойўл» каби корхоналар минтақавий бўлинмаларининг минтақада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси инфратузилмасини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани кучайтириш керак. Яна шу ҳам таъкидландики, миллий ҳунармандчиликни, барча турдаги хизматлар ва сервисни янада ривожлантириш учун қўшимча имтиёзлар ва преференциялар беришни, солиқ юкини камайтиришни давом эттириш зарур. Шу муносабат билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг «Ҳунарманд» уюшмаси билан ижтимоий шериклигини кучайтириш зарур эканлиги қайд этилди.

«Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг аъзолари иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини рўёбга чиқаришда илғор инновация технологияларини жорий этиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, меҳнат ва бандлик соҳасида давлат кафолатларини мустаҳкамлашнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, ходимлар ҳамда иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар эътиборни минтақаларнинг эҳтиёжларини, географик жиҳатдан жойлашувини ҳисобга олган ҳолда барқарор иш ўринлари яратиш, шунингдек, маҳаллий имкониятлардан самарали фойдаланиш, бунда атроф-муҳитга, биологик хилма-хилликка ва аҳоли саломатлигининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатилишига қарши кураш ифодаланган нормаларга риоя этиш зарурлигига қаратдилар. Ҳозирги замон корхоналари янги иш жойлари ташкил этилганида экологик жиҳатдан соф товарлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган технологиялардан фойдаланишлари керак. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар корхоналар энергияни тежайдиган ҳозирги замон мукобил технологияларни қўллашлари зарурлигини таъкидладилар.

Парламент эшитуви иштирокчиларининг фикрича, ўтказилган ушбу тадбир 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури самарали ва оғишмай ижро этилишига кўмаклашади. 2012 йилда тармоқлар кесимидаги (бандлик йўналишлари) ва минтақалар бўйича прогноз параметрларига мувофиқ, 967,5 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилган ушбу дастур мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Парламент эшитуви якунлари бўйича 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг параметрларини минтақалар ва йўналишлар кесимида сифатли ва тўлиқ бажариш; депутатлар корпуси ва ижро қилувчи ҳокимият, марказий ва маҳаллий давлат органлари дастур параметрларининг бажарилиши бўйича биргаликда ҳаракат қилишини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш; оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш; аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантириш; кейинги йилларда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилишининг механизмлари ва услубларини янада такомиллаштириш юзасидан муайян таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати.

Халқаро саноат форуми

ишлаб чиқариш корхоналаримизнинг салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, республикамизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити кўплаб чет эллик сармоядорларни жалб этмоқда. Жорий йилги форум иштирокчиларининг саксон фоизи хорижий компаниялардан иборат эканлиги шундан далолат беради. Бундан ташқари, Президентимизнинг "2009 — 2014 йиллар учун ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига биноан, шу давр мобайнида 645 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилгани ҳам диққатга сазовордир.

Форум "Махсус техника", "Бутловчи қисмлар. Сервис асбоб-ускуналари", "Энергетика. Энергияни тежамкорлик билан сарф қилиш. Ёритиш технологиялари. Электротехника", "Тоғ-кон саноати учун технологиялар ва асбоб-ускуналар", "Кимё саноати. Пластмасса. Лаборатория ва таҳлил" сингари еттита йирик ихтисослаштирилган халқаро кўргазмани қамраб олган ҳолда ўтказилмоқда. Хусусан, Украинанинг "Электровент заводи" масъулияти чекланган жамияти вакиллари трансформатор ва бошқа электр жиҳозларини совитиш ҳамда ҳимоя воситаларини намойиш этяпти. Ҳозирги кунда ушбу завод бир неча давлат ишбилармонлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

— Корхонамизда 50 турдан зиёд бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Тошкент лок-бўёқ заводининг маркетинг бўлими бошлиғи Жамшид Воҳидов. — Жорий йилги кўргазмада эса намлик, совуқ ва иссиққа чидамли янги бўёқларимизни намойиш этяпмиз. Ўйлаймизки, бундай маҳсулотларимиз тадбир қатнашчиларига манзур бўлади.

Дарҳақиқат, кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришда ушбу форумнинг аҳамияти катта. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, соҳага оид илмий янгиликлар ҳамда саноат ускуналарини намойиш этиш ва ўзаро тажриба алмашишдир.

Қизғин ва ишчан руҳда бошланган галдаги саноат форуми эса бу борадаги ишларни жадаллаштириши шубҳасиз.

"Uzbekistan Industrial Forum — 2012" тўртинчи халқаро саноат форуми жорий йилнинг 21 сентябрига қадар давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: халқаро саноат форумидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Маҳалла – оилавий бизнес маркази

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда оилавий бизнес, хусусан, унинг асосий йўналиши бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғи изчил ривожланмоқда. Бугун 4 миллиондан зиёд оила ўз томорқасига эгалиги, улар ихтиёрида 495 минг гектар томорқа мавжудлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Муҳими, хонадонларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори тобора ошмоқда. Бу борада маҳаллалар томонидан томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар муҳим омил бўлаётир. Яъни фуқаролар йиғинлари ҳамкор ташкилотлар ёрдамида томорқа эгаларига сабзавот, полиз уруғлари ҳамда кўчатларни, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ва маҳаллий ўғитларни, ҳашарот ҳамда зараркунандаларга қарши ишлатиладиган препаратларни етказиб бермоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотига кўра, 2011 йилда 132 мингдан зиёд хонадонга 115 миллион сўмлик сабзавот, 12 мингта хонадонга 46 миллион сўмлик полиз, 60 минг хонадонга 358 миллион сўмлик картошка уруғи, 16 минг хонадонга 210 миллион сўмлик мевали дарахт, 6070 хонадонга эса 26 миллион сўмлик ток кўчати етказиб берилган. Жорий йилда эса бир миллиард сўмлик сабзавот, полиз уруғлари хайрия асосида тарқатилди.

— Хонадонларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш ҳам фуқаролар йиғинларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳозирги пайтда 300 минг хонадонда 7 миллиондан ортиқ қорамол парвариш қилинаётир. Фуқаролар йиғинлари эса чорвачилик билан шуғулланаётган оилаларга доимо кўмакдош. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги қароридан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан чорвачилик йўлга қўйилган оилаларга омихта ем ва хашак етказиб берилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг чорва моллари сотиб олишлари учун банкдан кредит олишларига кўмаклашилмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда етиштирилаётган сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг асосий, чорва маҳсулотларининг катта қисми хонадонлар ҳиссасига тўғри келиши, шубҳасиз, ушбу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Шунингдек, маҳаллаларда етиштирилаётган пилла, асал ва балиқ маҳсулотлари миқдори йилдан-йилга ошиб бораётгани эътиборга молик.

Оилавий бизнеснинг муҳим йўналишларидан бири — савдо ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳам фуқаролар йиғинлари диққат-эътиборида бўлиб келаётир. Шу мақсадда жойларда умумий овқатланиш, новвойлик, қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик субъектлари ташкил этилмоқда. Ҳунармандчилик йўналиши бўйича эса ёғоч, металл, мато ва терига ишлов бериш ҳамда қайта ишлаш йўлга қўйилаяпти.

Эътиборли жиҳати шундаки, оилавий бизнесни ташкил этишда ҳар бир ҳудудга хос хусусият ва имкониятлар инобатга олинмоқда. Масалан, Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Қўқон каби тарихий шаҳарларимизда ҳунармандчилик баробарида, савдо ва хизмат кўрсатишга йўналтирилган оилавий тадбиркорликка кўпроқ эътибор қаратилаётган бўлса, бошқа ҳудудларда деҳқончилик ва чорвачилик кенг қулоч ёзмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ҳам тобора шаклланмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур бизнес турининг кенг ривожланиши ва пировардида халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Виллем ХААГСМА, Голландия экспорти конфедерацияси президенти (Голландия):

— Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи янада мустаҳкамланмоқда. Кўпгина давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари мамлакатингизга тўғридан-тўғри инвестиция киритишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистонда бундан йигирма йил аввал бўлганман. Ўтган вақт мобайнида юртингизда иқтисодиёт, қурилиш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда рўй берган улкан ўзгаришлар ва эришилган муваффақиятлар мени лол қолдирди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўп ва бу, шубҳасиз, мамлакатингиз иқтисодиётининг янада равнақ топишига ёрдам беради.

Майкл ШЕННА, АҚШ Давлат департаментининг Тижорат ва бизнес ишлари бўйича офиси Глобал тадбиркорлик дастурининг масъул ходими:

— 2008 йилдан буён Ўзбекистонга тўрт марта келдим. Ташрифларим орасида қисқа вақт ўтганига қарамай, шу вақт мобайнида бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг улкан амалий натижаларини кўрдим. Хусусий сектор мамлакат иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Мен ўз ишини энди бошлаётган тадбиркорлар учун бошлангич капитални шакллантириш масалалари билан шуғулланаман. Бу хусусий секторни самарали ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бундан ташқари, бизнесменлар учун солиқ, инвестиция ва бошқа преференцияларни яратишда давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши лозим. Бусиз кичик бизнес кутилган даражада ривожлана олмайди. Ўзбекистонда ушбу барча жиҳатларга эътибор қаратилмоқда ва шу сабабли мамлакатингиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бундан ҳам ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга, деб ўйлайман.

Фаҳд ал-МЕКРАДА, Араб очиқ университетининг узлуксиз таълим бўйича бош директори (Кувайт):

– Ўзбекистоннинг турли тармоқлар ва соҳалардаги ютуқлари мени ҳайратга солди. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари томонидан ишлаб чиқилган аниқ ва пухта ўйланган мақсадлар мавжуд. Бу ерда ҳар бир фуқаро ўзининг аниқ мақсадларига ва келажакка қатъий ишончга эга. Мамлакатингиз изчил ва барқарор ривожланмоқда. Ёшларга ўзини қизиқтирган ва замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган.

Мен Тошкентдаги туризм коллежида бўлдим ва ўғил-қизларнинг ватанпарварлигига қойил қолдим. Мен улардан келажакдаги мақсадлари ҳақида сўраганимда, ўқувчилар ўқишни тамомлаб, Ўзбекистон тараққиёти йўлида хизмат қилиши ва бу йўлда бор куч-ғайратини аямаслигини айтишди.

Профессор Эдгар О.КЛОЗЕ, Маркиш технологиялар ва инновацияларни жорий этиш институти президенти (ГФР):

— Ўзбекистонда фуқаролик жамияти инновацион ва технологик ривожланиши учун ажойиб шарт-шароитлар яратилган. Мамлакат аҳолиси ноёб таркибга эга бўлиб, унинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Сон ва сифат жиҳатдан юксак савияда ташкил этилган кўплаб коллежлар ва университетларни ўз ичига олган таълим тизими фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, бизнинг фикримизча, ўзбек халқи ўзининг бой тарихи ҳамда маданияти билан ҳақли равишда фахрланади.

Александр АНТОНОВ, Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги фахрий консули:

— Шуни таъкидлаш жоизки, Канада делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида биз Чирчиқ шаҳридаги «Ўзтекс-Чирчиқ» тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишдик. Корхона бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, корхонада ишлаётган қишлоқ қизлари компьютерлаштирилган технологияларни эркин ва маҳорат билан бошқараётгани Ўзбекистон танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Правда РАТХОР, «World Mass Communication» журналининг маркетинг ва халқаро савдо бўлими бошлиғи (Ҳиндистон):

— Тараққиётнинг «ўзбек модели»ни муваффақиятли амалга ошираётгани натижасида Ўзбекистон бугун бутун дунёда катта обрў-эътиборга эга. Мамлакатингиз 21 йиллик мустақил ривожланиш йўлини босиб ўтиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Ўзбекистон — саноати ривожланиб бораётган давлат. Мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши, ушбу соҳада бандлик даражасининг ошиб бораётгани унинг иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг устувор ва энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Казуо КАНЕКО, Япониянинг ташқи инсон ресурслари ва саноатини ривожлантириш ассоциацияси президенти (Япония):

— Ўзбекистонда шакллантирилган «корхона — коллеж» тизими, шунингдек, таълим муассасаларининг меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги аҳолини иш билан таъминлаш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда ва салоҳиятли кадрларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятида ошкораликни таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг иштирокини кучайтиришга оид комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборотни эркин ва монесиз топиш, олиш, текшириш, етказиб бериш, тарқатиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари, шунингдек, ахборотдан умумий фойдаланиш, унинг очиқлиги ҳамда ишончлилиги принциплари таъминланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чора-тадбирларининг мантиқий давоми бўлди. Мазкур дастурий ҳужжатда шахсий, жамоат ва давлат манфаатлари мувозанатини белгилаш, давлат ҳамда жамият ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кўзда тутилган.

Жамиятнинг давлат билан мунтазам алоқаси самарадорлигини таъминлаш, одамлар манфаат ва қизиқишлари, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабатини аниқлашнинг муҳим элементларидан бўлган давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда фуқаролар назорати институтини янада такомиллаштириш бу борада алоҳида аҳамиятга эгадир.

Халқаро форум кенг аудиторияга ривожланган демократик давлатлар тажрибасини яна бир бор ўрганиш ва уни миллий тажриба билан таққослаш имконини берди. Чунки бундай ўзаро ҳамкорлик механизми халқаро экспертлар билан фикр алмашиш, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, хорижий мамлакатларнинг энг яхши ютуқларини ўрганиш ва қўллашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз экспертлари ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қирқдан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни ҳимоя этиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқлари кўзда тутилганини таъкидладилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва бошқа ташкилотлар томонидан катта амалий тажриба тўпланди.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизми ҳисобланади. Айнан оммавий ахборот воситалари ҳокимият органларининг камчиликлари, бюрократизм кўринишлари, маъмурий ўзбошимчалик ва бошқа муаммоларни аниқлаш, бу ҳақда ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ҳамда тарқатиш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилишда иштирок этиши лозим. Оммавий ахборот воситалари жамият аъзоларининг онги, кайфияти ва дунёқарашига ҳокимият органларига нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади.

Энг асосий мақсадимиз — ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам жой олиш, биринчи навбатда, матбуотнинг барқарор ривожланиши учун зарур иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳисобидан унинг амалда мустақиллигига эришиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қатор янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишда фаол иштирок этмоқда.

Илмий-амалий конференция давомида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ННТларни жамоатчилик назоратига жалб этиш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди. Бунда улар иштирокида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг амалга оширилиши бўйича жамоатчилик эшитувларини ўтказиш кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ННТлар ва фуқароларнинг экологик қонунчиликни такомиллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назоратни амалга ошириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдаги фаоллигини ошириш борасидаги роли ортиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Конференция иштирокчиларига касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Уларнинг жамоатчилик бирлашмаси сифатидаги ноёблиги шундаки, касаба уюшмалари ташкилотлари ижтимоий меҳнат муносабатларининг барча босқичларида — ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, қонунбузарлик ҳолатлари профилактикаси, шунингдек, ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда — ушбу жараённи ҳуқуқий тартибга солишда иштирок этади.

Қисқача айтганда, фуқаролик жамияти институтлари бугунги кунда демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятини бермоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлашга кўмаклашмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга ошириш бўйича самарали ва тизимли ҳуқуқий механизмни яратиш масаласи “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун доирасида ҳал этилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу қонун фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қўмаклашади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш доирасида фуқаролик жамиятининг турли институтларини қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнига кенг қўламда ва фаол жалб этиш таъминланди, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди ва қайта кўриб чиқилди, миллий ва халқаро тажриба чуқур ўрганилди, шунингдек, қонун лойиҳаси жамоатчилик ўртасида, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказиш орқали кенг муҳокама қилинди. Бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар давомида иштирокчилар “учинчи сектор”ни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни билдирдилар ва ушбу таклифлар кейинчалик атрофлича ўрганилди, уларнинг айримлари қонун лойиҳаси асосига киритилди.

Халқаро илмий-амалий конференция жараёнида хорижлик экспертлар ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар тўғрисида сўзлаб бердилар. Ривожланган демократик давлатларда жамоатчилик назоратининг турли шаклларини амалга ошириш бўйича тўпланган тажриба билан анжуман иштирокчиларини таништирдилар.

Экспертлар Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни ушбу соҳада бошқа мамлакатлар учун модель қонун бўлиб хизмат қилади, деган якдил фикрни билдирдилар. Чунки ҳозирги пайтда халқаро амалиётда жамоатчилик назорати тўғрисида алоҳида ҳадли кодификация қилинган қонун ҳужжати, шунингдек, “жамоатчилик назорати”нинг умумқабул қилинган юридик таърифи мавжуд эмас.

Жамоатчилик назоратининг муайян жиҳатлари, одатда, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини назарда тутадиган, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинади; давлат ўз фаолияти очиқлигини аҳолини хабардор қилиш ва улар билан мунтазам мулоқот ўрнатиш, шунингдек, жамоатчилик эшитувларини, маслаҳатлашувларни, жамоатчилик экспертизасини, жамоат кенгашлари ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирокидаги бошқа маслаҳат органларини ташкил этиш орқали таъминлайди.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим, лекин шунга қарамай, бу ерда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Корпоратив фуқаролик маркази илмий ходими Александра Хертель (Германия). — Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тўғрисида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси кўплаб фуқаролик жамияти вакилларининг қизиқишини уйғотмоқда. Қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар фуқаролик жамиятининг турли субъектлари, шу жумладан, нодавлат ташкилотларни жалб этган ҳолда амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бу яна бир бор Ўзбекистонда жамоатчилик назорати аллақачон амалга оширила бошлаганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, ушбу жараён келажакда янада ривожланади. Зеро, мазкур қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

“Save the children” халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Сон Чон Бей Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ғоят қизиқарли эканлигини таъкидлади. Зеро, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда нафақат Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, балки хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам эътиборга олинган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг янада ривожланиши ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга, муайян соҳаларда фуқаролар манфаатларининг янада тўлароқ ҳимояланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни лойиҳасига кўра, “жамоатчилик назорати” атамаси жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Конституция қоидалари, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро меъёрлар ва принципларни сўзсиз ижро этишига доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга доир фаолиятини ифодалайди.

Бунда жамоатчилик назоратини амалга ошириш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлиги, ихтиёрийлик, қонунийлик, самарадорлик, жамоатчилик назоратининг ошкоралиги, давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатларда маънавий-ахлоқий қоида ва меъёрларга қатъий риоя этиш каби тамойилларга амал қилиш асосида таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқларига доир қонунчилик меъёрлари бажарилишининг ҳолати устидан мунтазам жамоатчилик мониторингини, жамоатчилик социологик тадқиқотлари ва жамоатчилик эшитувларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муайян масалалар бўйича фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини амалиётга жорий этиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасида, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли қарорларни қабул қилишда иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

— Қонун лойиҳасини яратиш жараёнида қонун ижодкорлари томонидан катта иш амалга оширилган, — дейди Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази директори (АҚШ), юридик фанлар доктори Натали Боржелли. — Ташкилотимиз ўзбекистонлик ҳамкорлар томонидан “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун, шунингдек, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этиш учун таклиф қилинганидан фахрланамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг халқаро жамоатчилик, мамлакатимиздаги республика ва ҳудудий ННТлар, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, ОАВ иштирокида муҳокама этилишининг ўзи жамоатчилик назоратининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

XALQ BANKI

Амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳотлар самараси, кўп жиҳатдан, молия муассасаларининг барқарор фаолияти билан боғлиқ. Негаки, сифатли хизмат кўрсатиш банк мижозлари эътиборини қозонишга, тадбиркорлик ривожига, пировардида юрт иқтисодиётининг юксалишига олиб келади.
Шу сабабли кейинги йилларда республикамизда тижорат банкларининг капиталлашуви, инвестициявий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу эса, ўз навбатида, тизимда эришилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўлмоқда. Бундай муваффақиятларни Давлат-тижорат Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сифатли хизмат – муваффақият гарови

Хусусан, банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. 2011 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банкнинг кредит портфели 50 миллиард 297 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврида мазкур кўрсаткич 56,7 миллиард сўмга етди. Муҳими, банк тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, оилавий бизнесни йўлга қўйиш истагидаги юртдошларимиз учун молиявий таянч вазифасини ўтамоқда. Жорий йилнинг саккиз ойида ушбу мақсадлар учун 370 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилгани бунинг тасдиғидир. Оилавий бизнес билан шуғулланиб, рўзғорини фаровон қилаётганлар орасида Сирдарё шаҳрида яшовчи Анвар Мамедов ҳам бор.

— Корхонамиз қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди у. — Фаолиятимизни ташкил этишда Халқ банкининг Сирдарё вилояти филиали томонидан ажратилган 25 миллион сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Келгусида банк билан ҳамкорликни давом эттириб, маҳсулот ҳажмини ошириш мақсадидамиз.

Яна бир аҳамиятга молик жиҳати, банк жамоаси молиявий кўмак сўраб мурожаат қилган тадбиркор аёлларни ҳам қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ишбилармонлик билан шуғулланиш ниятидаги хотин-қизларга ўтган йилнинг 1 сентябригача салкам 1,118 миллион сўмлик кредитлар берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур йўналишга 1,462 миллион сўм йўналтирилди. Бунинг натижасида кўплаб иш ўринлари яратилди.

Банк филиали иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, вилоятда фаолият кўрсатаётган “Ҳимолай чўққиси сари” фермер хўжалигининг мева ҳамда сабзавотларни узоқ муддат сақлашга мўлжалланган бизнес лойиҳаси ушбу молия муассасаси кўмагида рўёбга чиқарилди. У банк томонидан ажратилган 200 миллион сўм миқдоридаги маблағ эвазига йилига 200 тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга замонавий совутқичга эга бўлди.

Сирдарё шаҳридаги “Сирдарё автобус саройи” масъулияти чекланган жамияти мазкур банк филиалининг доимий мижози ҳисобланади. Унинг аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишга мўлжалланган бизнес-лойиҳаси амалиётга жорий этилишида банк томонидан ажратилган 228 миллион сўм миқдоридаги маблағ кўл келди. Шунинг эвазига 10 дона “Дамас” русумли автомашина сотиб олиниб, вилоятдаги йўловчи автомобиллари қатнови кам бўлган ҳудудларда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Бизнес-лойиҳамизни амалга оширишда Халқ банки билан ҳамкорлик қилиб, тўғри йўл тутган эканмиз, — дейди Ховос туманидаги “Чевар Мафтуна нафис” шўъба корхонаси раҳбари Баҳодир Ўролов. — Ушбу молия муассасасининг бизга ажратган 210 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи туфайли корхонамиз қуввати ошиб, замон талаблари даражасига кўтарилди. Яъни йилига 400 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконига эга бўлган технологик ускуналар сотиб олдик. Шунингдек, 120 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Халқ банки Сирдарё вилояти филиали ҳам соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида муайян ишларни амалга ошираяпти. Зеро, кичик бизнеснинг равнақи нафақат иқтисодиётни мустаҳкамлашга, балки оилалар турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, филиал жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг ўтган саккиз ойида ўн уч миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратди. Натижада 520 га яқин иш ўринлари яратилди.

Банкнинг вилоят филиали томонидан шу йилнинг ўтган даврида Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, тадбиркорлик субъектларига 1,864 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун эса 1,576 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Натижада ҳар иккала йўналишда жами 170 дан зиёд иш ўринлари очилди.

Албатта, банк сармоларининг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий технологиялар харид қилиш каби аниқ мақсадларга йўналтирилаётгани қувонарлидир. Мижозларга кўрсатилаётган хизмат қамровини кенгайтиришда вилоятда фаолият олиб бораётган Давлат-тижорат Халқ банкининг 7 та минибанки, 35 та шохобчаси, 19 та махсус кассаси муҳим аҳамият касб этаяпти. Бугунги кунга қадар 71 043 та пластик карточка муомалага чиқарилгани, вилоят бўйича 824 та ҳисоб-китоб терминали ўрнатилгани бунинг яққол далилидир.

Мухтасар айтганда, Давлат-тижорат Халқ банки Сирдарё вилояти филиали жамоаси Мустаҳкам оила йилида мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш орқали мамлакатимизда тадбиркорликнинг равнақ топишига, оилавий бизнеснинг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Банк матбуот хизмати.

● Реклама ва эълонлар ●

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Бухоро вилояти филиали

2012 йил 19 октябрь куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдоларига суд ижрочилари Бухоро шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2011 йил 12 апрелдаги 2-21-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Когон таъминот савдо» МЧЖ омборхонасида сақланаётган, Н. Н. Маруповага тегишли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия SOHC» русумли, давлат рақами — 20 К 522 АА, бошланғич баҳоси — 16 918 951 сўм; ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2008 йил 24 октябрдаги 2-92-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Бухоро глабал» МЧЖ омборхонасида сақланаётган, О. Д. Папоевга тегишли 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия GI» русумли, давлат рақами — 20 Т 0777, бошланғич баҳоси — 13 569 400 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йилнинг 6 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 га қадар Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, вилоят давлат мулки бошқармаси биносида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари ушбу бинонинг 4-қаватидаги савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига: 20208000004932168017, МФО: 00111, СТИР: 302083379 тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома .

Гувоҳнома № 004059.

1577А/870

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2012 йил 28 майдаги 6900/7-сонли ва 2010 йил 13 июлдаги 8739-45/22-сонли ижро варақасига асосан тақдим қилинган:

1. Бошланғич нархи — 23 800 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-Қамиш 2/1 мавзесидаги, 7-уй, умумий майдони — 40,38 кв.м., яшаш майдони — 16,57 кв.м.ли бир хоналик хонадон (тураржой);

2. Бошланғич нархи — 69 375 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, А. Қаҳҳор кўчасидаги умумий фойдаланиш майдони — 199,38 кв.м., яшаш майдони — 86,0 кв.м., 4 хонадан иборат 16-уй (ховли).

II. Миробод тумани СИБ томонидан 2011 йил 27 майдаги 7549-50/7-сонли ижро варақасига асосан тақдим қилинган, бошланғич нархи — 25 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А. Қодиров кўчасидаги умумий майдони — 106,65 кв.м., яшаш майдони — 84,24 кв.м. бўлган 3-уй.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 19 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйдаги 311-хонада бўлиб ўтади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 19 октябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси — 2012 йилнинг 9 ноябрь куни бўлиб ўтади.

2012 йил 5 октябрь кунидаги такрорий аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 21 майдаги 17285/17-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим қилинган, бошланғич нархи — 259 463 368,45 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кўйлиқ I-даҳаси, 16-«А» уйда жойлашган умумий майдони — 193,0 кв.м. (Блок А — 142,0 кв.м., блок Б — 51 кв.м.) бўлган дўкон биноси қўйилмоқда.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганида соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Беруний к., 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

1581В/505

«BEMINNAT SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2012 йилнинг IV чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

сариёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 28 сентябрь соат 17.00 гача.

1579А/1110

ТАРОЗИЛАР Micros Узбекистондаги расмий ҳамкор

0,0001 гр. дан 250 тоннагача

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: 281-43-65; www.micros.uz;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50. e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

1500Я/770

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти жамоаси етакчи мутахассис Гулчеҳра Маҳмудовага отаси **Абдухалил ЗОКИРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси жамоаси Жиззах вилояти Сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси раҳбари Муроджон Пардаевга синглиси **Шарофат ПАРДАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ижроия аппарати жамоаси бўлим бошлиғи Норбой Норқуловга падари бузруквори **ҒАЙБУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Юксак интеллектуал салоҳиятли авлод

тарбияси таълим тизимидаги ислоҳотларнинг асосий мақсадидир

...Нафиса Сафарова — Бухоро шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси. Ёш, изланувчан педагог тиним билмай ўз устида ишлаб, янгилик яратишга интилади. Шу боис унинг илғор технологияларга асосланган сабоқлари ўқувчиларни ўзига жалб этмоқда. Муҳими, ҳар бир ўқувчининг кўнглига йўл топа олади.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Яқинда ижодкор муаллима “Инновацион педагогик технологиялар таълим сифатини ошириш омили” деб номланган услубий қўлланма ҳам яратди.

— Юртимизда ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши учун ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитлар муҳайё қилинган, — дейди у. — Бу биз, ўқитувчиларни завқланиб, илҳомланиб ишлашга ундайди. Энг муҳими, бундай юксак ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб улғаётган ўғил-қизлар бугун астойдил билим олишга интилмоқдалар. Шахсан ўзим дарсларни ўзлаштириш даражаси сустроқ ўқувчиларга алоҳида вазифалар бераман ва уларнинг ижросини доимо назорат қилиб бораман. Шу тариқа яқиндан кўмак бераётганимни ҳис қилган болада аста-секин ўзига ишонч пайдо бўла бошлайди ва натижа ижобий томонга ўзгаради.

> Ёш педагогнинг ўзига хос касб маҳоратига эга бўлиши унинг малака ошириши учун яратиб берилган имкониятлар самараси ҳамдир. Муаллима Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси махсус сертификатига эга бўлганидан сўнг, унинг фаолияти янада янгича мазмун-моҳият касб эта бошлади. Интилиши, билим ва салоҳияти туфайли “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика кўрик-танловида ғолиб, деб топилди.

Кези келганда, шуни айтиш жоизки, бу йил мазкур кўрик-танловда бухоролик беш нафар ўқитувчи совриндорлар сафидан жой олди. Мазкур тадбирда иштирок этган 120 нафарга яқин ўқитувчиларнинг илғор педагогик тажрибаси оммалаштирилди.

— Мамлакатимизда салкам ўн мингта умумтаълим ўқув масканлари бор, — дейди 17-умумтаълим мактаби директори Ҳафиза Бурҳонова. — Республика таълим сифати мониторинги натижаларига кўра, ана шу билим даргоҳлари орасида таълим масканимиз олтинчи ўринда туради. Дарсларни ўзлаштириш самарадорлиги 78-80 фоизни ташкил этмоқда. Ўқитувчиларимиз ва иқтидорли ёшларимиз турли кўриктанлов ва беллашувларда фаол қатнашиб, ижобий натижаларга эришишаяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, Билимлар беллашувининг республика босқичида вилоят жамоаси умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўртача 90,6 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Улар ҳисобида жами 13 та биринчи, 12 та иккинчи, 3 та учинчи ўрин бор. Тўққизинчи синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган вилоят фан олимпиадасида эса Бухоро шаҳри, Қоракўл ҳамда Шофиркон туманлари жамоалари кучли учликдан ўрин олишди.

Биз ҳикоя қилаётган мактаб, мана уч йилдирки, илғор педагогик технологиялар бўйича республика миқёсидаги тажриба-тадқиқот майдони саналади. Бу ерда қийин ўзлаштириладиган мавзулар бўйича замонавий ўқитиш усуллари ишлаб чиқилаяпти ва бу усуллар махсус тренинг асосида ўқитувчилар орасида тарғиб қилинмоқда. Ва бу, ўз навбатида, жамоанинг педагогик салоҳиятини янада ошишига хизмат қилаяпти. Педагогларнинг методик базасини бойитмоқда.

Мактабда иккита класстер хонаси мавжуд. Улар замонавий ахборот воситалари билан жиҳозланган. Фан лабораториялари, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар билимини оширишга, дарс машғулотларининг тўлақонли ўтишига хизмат қилаяпти. Мактаб интернет тизимига уланган.

Умуман, бугун вилоятда жаҳон таълим стандартларига мос энг сўнгги педагогик технологиялар билан жиҳозланган ўқув даргоҳлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу 119 номдаги юқори самарали мультимедиа иловалари, электрон ўқув адабиётлари ҳамда қўлланмалар яратилиб, таълим жараёнига татбиқ этилишига сабаб бўлди. Айни пайтга қадар эса 411 мактаб сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланди. Мазкур таълим муассасаларининг барчаси “ZiyoNET” интернет провайдерига уланган.

— Мактабимиз бундан беш йил аввал капитал таъмирдан чиқарилган, — дейди Ҳ. Бурҳонова. — Бу ерда ёш авлод таълим-тарбияси учун зарур барча қулайлик яратилган. Бизда 1233 нафар ўқувчи билим олади. Зиммамиздаги масъулият ҳам шунга яраша, албатта. Буни 64 нафар ўқитувчидан иборат педагогик жамоамиз чуқур ҳис этади. Очиғини айтсам, мен уларнинг дарсларини кузатиб, ўқувчиларимизнинг ҳар бир саволга бурро-бурро жавоб беришларини кўриб, фахрланаман.

Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб вояга етиши, унинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий тарбиясига юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Буни жорий йил Тошкентда бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференция қатнашчилари ҳам Бухорога ташрифлари чоғида кўп бор эътироф этишди. Бинобарин, замонавий билимларни эгаллаган, илғор ахборот технологияларидан хабардор, ҳар томонлама соғлом фикрли ёшларни тарбиялаётган мамлакатимиз тобора тараққий этиб, жаҳонда юксак обрў-эътибор топмоқда. Демакки, биз бундан чинакам маънода фахрлансак арзийди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» саньат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун
БУЮРТМАНОМА

1._____
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2._____
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3._____
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)
4._____

Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари
_____
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, микдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

_____
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ		

1552A/1093

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2012 йил 22 октябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

Музробот тумани суд ижрочилари бўлими томонидан:
ЖИБ Ангор тумани судининг 2012 йил 8 августдаги 1094-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Музробот тумани ИИБда сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 2 100 000 сўм; 1976 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28-4МС-1» русумли трактор, техник носоз, бошланғич баҳоси — 960 000 сўм; ЖИБ Ангор тумани судининг 2012 йил 16 июндаги 1-74-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Музробот тумани ИИБда сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами — 75 Z 934 АА, бошланғич баҳоси — 3 384 000 сўм.

Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:
ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2011 йил 13 июлдаги 1-195-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБда сақланаётган «МУРАВЕЙ» русумли моторроллери, бошланғич баҳоси — 688 000 сўм; ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2012 йил 29 августдаги 1-04/13-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси омборхонасида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС DLX» русумли, давлат рақами — 75 C 630 CA, бошланғич баҳоси — 14 850 000 сўм; ЖИБ Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 7 ноябрдаги 51-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар, Д. Гаиров кўчаси, 19-уйда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ» русумли, давлат рақами — 75 D 731 BA, бошланғич баҳоси — 5 774 880 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 4 июлдаги 1-171-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз тармоқ ИИБда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ» русумли, давлат рақами — 75 Y 663 AA, бошланғич баҳоси — 15 300 000 сўм; ЖИБ Термиз тумани судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 1-38-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2121НИВА» русумли, давлат рақами — 18 M 56-91, техник носоз, бошланғич баҳоси — 2 520 000 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2009 йил 7 июлдаги 1-173-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли, давлат рақами — 19 G 47-84, бошланғич баҳоси — 8 280 000 сўм; ЖИБ Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги 23-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз гарнизони ХАНда сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами — 19 K 15-26, техник носоз, бошланғич баҳоси — 4 420 200 сўм; ЖИБ Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 21 апрелдаги 15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз гарнизони ХАНда сақланаётган 1984 йилда ишлаб чиқарилган «АДД ММЗ-45021» русумли, давлат рақами — 19 M 0510, техник носоз, бошланғич баҳоси —10 877 138 сўм; ЖИБ Термиз ҳарбий судининг 2012 йил 13 августдаги 22-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз гарнизони ХАНда сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «ИЖ КОМБИ» русумли, давлат рақами — 19 F 6260, бошланғич баҳоси — 144 000 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 7 майдаги 1-128-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ BEST DLX ВЗ» русумли, давлат рақами — 75 G 299 CA, бошланғич баҳоси — 16 650 000 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2011 йил 5 октябрдаги 1-350-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБда сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган «ГБАСНГ НЕКСИЯ DOHC» русумли, давлат рақами — 75 M 762 AA, бошланғич баҳоси —10 880 000 сўм; 2009 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ M BO» русумли, давлат рақами — 75 Q 214 AA, бошланғич баҳоси — 9 590 925 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 4 июлдаги 1-171-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз тармоқ ИИБда сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган «ГБАСНГ ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами — 75 T 896 AA, бошланғич баҳоси — 2 754 000 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2011 йил 13 июлдаги 1-195-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБда сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ» русумли, давлат рақами — 75 Q 382 AA, бошланғич баҳоси — 9 900 000 сўм; ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 14 майдаги 1-102-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз тармоқ ИИБда сақланаётган «УРАЛ» русумли кажавали мотоцикл, бошланғич баҳоси — 108 000 сўм.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 22 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 18 октябрь ва 26 октябрь кунлари соат 18.00.

Аукцион савдолари Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уйда ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ОАТБ «Турон» банки Сурхондарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504932168013, МФО: 00328, СТИР: 302083379.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Тел.: (+99898) 100-86-86. Гувоҳнома № 004059.

1576A/870

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
03

ОБ-ҲАВО

(20 сентябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
+10 +15 +22 +27	+10 +15 +26 +31	+10 +15 +26 +31	+11 +16 +27 +32	+10 +15 +25 +30	+13 +15 +27 +29

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5